



" ТАСЛИКЛАЙМАН "
Туман шаҳар Халқ таълими бўлими мудирини

Ш.И. Мадаминов

" 14 " 09 2022 йил

Риштон туман


Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 40,60,64,17 -сонли умумтаълим мактабига Қуввати 5.0-10 кВт бўлган Тармоқ Қуёш станцияси сотиб олиш, ишга тушириш хизматлари бўйича жадвали

Ушбу ҳужжатда "Энг яхши таклифларни танлаш" мавзусига оид махсус қоидалар ва танлаб олиш ҳужжатларининг бошқа бўлимларида берилган маълумотлар ёки талабларни тўлдириш киради.

№	Бўлим номи	Бўлимларнинг тушунтиришлари
1	Буюртмачининг номи	Номи: Риштон туман халқ таълими бўлими
2	Танлов ўтказиш мазмуни	Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 40,60,64,17 -сонли умумтаълим мактабига Қуввати 5.0-... кВт бўлган Тармоқ Қуёш станцияси сотиб олиш, ишга тушириш хизматлари
3	Асос	Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 22- апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 22-августдаги "Иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқларнинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чоратadbирлар тўғрисида"ги ПҚ-4422-сон қарори. "Иссиқлик электр станциялари" АЖ тармоқ илмий-техник кенгаши йиғилишининг 2022-йил 17-январдаги 2-сон қарори. 2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси.
4	Товар (иш, хизмат)лар хақида батафсил маълумотлар	Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 40,60,64,17-сонли умумтаълим мактабларига Қуввати 5.0-... кВт бўлган Тармоқ Қуёш станцияси сотиб олиш, ишга тушириш хизматлари билан бирга
5	Қўшимча талаблар	Танлов ғолибини аниқлаш учун товар (иш, хизмат)ларни давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам аҳамият берилди. Қўшимча сифатида буюртмачи томонидан товарлар (иш, хизматлар)нинг кафолат муддатига ва (ёки) уларнинг сифатига бериладиган кафолатлар ҳажмига, товарга кафолат хизмати кўрсатишга, товардан фойдаланиш харажатларига, товарни монтаж қилиш ва соzлашнинг мажбурийлигига, товардан фойдаланувчи ва унга хизмат кўрсатувчи шахсларни ўқитишга доир талаблар белгиланади.
6	Буюртмачи манзили ва телефон рақами	Манзил: Фаргона вилояти Риштон туман шаҳар Рошидоний кўчаси 14-уй Телефон: + 998 90 301 55 28
7	Ўтказиб бериш манзили	Манзил: Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 40,60,64,17 -сонли умумтаълим мактаблари
8	Танлов эълон қилинган веб саҳифа	Махсус электрон платформа xarid.uzex.uz орқали (Махсус ахборот портали ваколатли орган томонидан юритиладиган, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг яқунлари, иштирокчиларнинг таклифлари хақидаги ахборотни ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ахборотни электрон шаклда кўздан кечиришни, шунингдек амалга оширилган электрон давлат харидлари тўғрисида давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари томонидан киритиладиган (юбориладиган) ахборотни тўплашни таъминловчи веб сайт)

9	Танловда иштирок этишга рухсат бериладиган иштирокчилар	Барча резидент субъектлар (корхона, ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар)
10	Лицензияланган иш турлари	Товарлар (иш, хизматлар)нинг техник хоссаларидан келиб чиккан ҳолда, товар таснифлари, режалари, чизмалари, эскизлари, талаблари ҳамда синовлари ва синов усуллари, қадоқлаш, тамғалаш ҳақидаги ёки мувофиқлик сертификати, шунингдек шартли белгилар ва атамалари тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади.
11	Танлов иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт	Электрон "Энг яхши таклифларни танлаб олиш" муддати тугаган кун ва соатига қадар
12	Танловнинг амал қилиш муддати	Танлов учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат (кун, соат) қилиши билан тугатилади
13	Танлов таклифларини қабул қилиш	Таклифлар harid.uzex.uz веб сайтида эълон қилинган вақтдан бошлаб қабул қилинади. Таклифда товар (иш, хизмат)нинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.
14	Амалга ошириладиган танлов ва таклифлар	Танлаш электрон шаклда ўтказилади. Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир.
15	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан икки иш кунидан ошиши мумкин эмас.
16	Шартнома ижроси ва олдиндан тўлов миқдори	Танлов натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади ва Ҳазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан кейин олдиндан 30% тўлови амалга оширилгандан сўнг ижро этилади.
17	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблагларидан
18	Шартноманинг пул бирлиги	Ўзбек сўмида
19	Бошқа талаблар	Харид қилиш ҳужжатларида харид қилинаётган товарлар (иш, хизматлар)нинг давлат буюртмачиси томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш имконини берадиган кўрсаткичлар бўлиши зарур.

Техник шартларни тайёрлади:



Н. Махмудова

Бош муҳандис:



Ж. Якубов

64.40.17.60. Қўш қонун.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими муdiri

Ш И Мадаминов

Риштон тумани

"14" 09 2022 йил

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 40,60,64,17, - сонли умумтаълим мактабига Қуввати 5.0-10 кВт бўлган Тармоқ Қуёш станцияси сотиб олиш, ишга тушириш хизматлари бўйича техник хизмат кўрсатиш шартлари

I. Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 40,60,64,17 - сонли умумтаълим мактабига Қуввати 5.0-10 кВт бўлган Тармоқ Қуёш станцияси сотиб олиш, ишга тушириш хизматлари билан бирга техник хизмат кўрсатиш шартлари

№	Асосий маълумотлар	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	Буюртмачи хақида маълумотлар	Номи: Риштон туман шаҳар халқ таълими бўлими Манзил: Фарғона вилояти Риштон туман шаҳар Марказ МФЙ Рошидоний кўчаси 14 -уй Телефон: + 99890 301 55 28
2	Асос	Ўзбекистон Республикасининг 2021-йпл 22- апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 22-августдаги "Иқтисодиёт ва ижтимоий тармоқларнинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чораталбирлар тўғрисида"ги ПК-4422-сон қарори. "Иссиқлик электр станциялари" АЖ тармоқ илмий-техник кенгаши йиғилишининг 2022-йил 17-январдаги 2-сон қарори. 2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси.
3	Товар (иш, хизмат)лар хақида тўлиқ маълумотлар	Риштон туман шаҳар Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 40,60,64,17, - сонли умумтаълим мактабига Қуввати 5.0-10 кВт бўлган Тармоқ Қуёш станцияси сотиб олиш, ишга тушириш хизматлари
4	Хизматлар рўйхати	Хизмат кўрсатувчига товар (иш, хизмат)лар хақида маълумот бериш. Шартнома шартларига ва миқознинг талабига мувофиқ ишлаш ва қафолат муддати бериш. Буюртмачига шартнома мажбуриятлари хақида маълумот бериш
5	Молиялаштириш манбаси	Маҳаллий бюджет
6	Хизмат кўрсатиш шартлари	Иш, хизматларни тақдим этиш ва уни шартнома бўйича белгиланган муддатдан кечиктирмасдан бажариш, амалдаги техник шартларга мувофиқ хизматларни самарали тақдим этиш.
7	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган асосий талаблар	1) Коррупция қўринишларга йул қўймаслик бўйича ариза 2) Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат кўрсатиш учун рухсат этувчи ҳужжатлар нусхалари 3) Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тўғрисида маълумот.Ишчи кучи маълумоти. 4) Хизмат кўрсатувчи банкдан буюртмачига (банк гарантияси) банк қафолат хати 5) Ушбу танлов хизматлар қисқа муддатда бажариш ҳамда қафолат бўйича муддати. 6) Танлов иштирокчисининг молиявий аҳоли, солиқдан қарзи йўқлиги маълумотномаси. 7) Танловда қурилиш майдончасини қўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома . 8) Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)
8	Таклифни таъминлаш қафолати	1) Танлов иштирокчиси қуйидаги тартиб бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" орқали савдога қўйилган эълон суммасининг 3% миқдордаги зақалат тўловини амалга ошириши лозим: - иштирокчи ўз таклифини амал қилиш муддати давомида, депозит шаклида, нақд пулсиз шаклда миқознинг жорий ҳисобварағига ёки ОПТ баёнотида тасдиқланган миқоз фойдасига берилган банк қафолатига ўтказиш орқали қафолат бериши керак, 2) Танлов ғолибининг зақалат тўлови буюртмачи билан қонуний шартнома тузилгунга қадар буюртмачининг ихтиёрида бўлади. Шундан сўнг, етказиб берувчи шартнома шартларини бажариш орқали зақалат тўловини қайтариб олиши ёки қайта ҳисоб-китоб қилиш мумкин. 3) Танлов ғолибининг зақалат тўлови қуйидаги ҳолларда қайтариб берилмайди: - Танлов ғолиби аниқлаиб, лекин буюртмачи билан тегишли шартнома тузилмаган ёки имзоланмаган ҳолларда, - Таклиф бериш муддати тугаган вақтдан сўнг танлов ғолиби томонидан ўз таклифини қайтариб олган ҳолларда.

9	Танлов иштирокчиларига куйидаги холларда танловда иштирок этишга рухсат берилмайди	1) Барча белгиланган талабларга жавоб бермаганда; 2) Мижозлар билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлик бажармаганда; 3) Қайта ташкил этиш боскичида бўлганда; 4) Солиқ ва бошка мажбурий тўловларни тўлашда қарздорлик мавжуд бўлганда; 5) Танловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим етмаганда; 6) Буюртмачи билан судлашув бўлаётганда; 7) Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри рўйхатдан топилганда; 8) Етказиб берувчилар ва бюджет ташкилотларидан муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда.
10	Хизматларнинг сифат кафолатлари доирасига кўйиладиган талаблар	1) Товар (иш, хизмат)ларни ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш; 2) Зарур бўлганда, тегишли малакали мутахассисларни жалб қилиш; 3) Товар (иш, хизмат)лар етказиб берилгандан сўнг, буюртмачига керакли ҳужжатларни тўлик тўпламини тақдим этиш; 4) Буюртмачи томонидан ошкор қилинган маълумотларнинг махфийлиги, шунингдек барча материаллар ва тахлилий маълумотлар, режалар, графикалар, жалваллар ва хизматларни тақдим этишда тузилган ва/ёки ишлатилган бошка матнли ва график материалларнинг махфийлигини сир сақлаш; 5) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинадиган хизматлар кўрсатиш тартиби ва шартларига риоя қилиш.
11	Буюртмачининг бошланғич бахоси	280 000 000,00 (икки юз саксон миллион) сўм ҚҚС билан
12	Лойиҳани молиялаштириш	Шартнома тасдиқлангандан сўнг 10 иш кун ичида 30% аванс ўтказиб берилади, қолган маблағлар тасдиқланган график асосида бажарилган ишлар далолатномасига асосан ойма-ой тўлаб борилади.
13	Маъсул ходим телефон рақами	Бош муҳандис: Ж. Якубов тел: +99894 440 88 84
14	Ҳужжатлар расмийлаштириш ва тақдим этиш тили	узбек тили (кирилица)

II. Нарх қисми

1	Тўлов шартлари	Олдиндан 30% тўлов
2	Тўлов пул бирлиги	Ўзбек сўмида
3	Таклифнинг амал қилиш муддати	5 (беш) иш кун
4	Товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш муддати	30 (ўттиз) иш кун

III. Шартнома лойиҳаси

Танлов иштирокчиси товар (иш, хизмат)лар етказиб бериш шартномасининг ўз версиясини (лойиҳасини) илова қилиш ҳуқуқига эга

Техник шартларни тайёрлади:

Бош муҳандис:




Н. Махмудова

Ж. Якубов

